ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИНИ ЖАҲОН ТАБРИКЛАМОҚДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

13 ИИЛ ЧИҚИШИ

№ 7 (3235).

11 январь

СЕШАНБА

1966 йил

Баҳоси 2 тийин

Кеча Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри билан Покистон Президенти Аюбхоннинг Тошкентдаги учрашуви муваффақиятли якунланди. Бутун дунёдаги тинчликсевар инсоният учрашув якунларини қизғин маъқулламоқда.

Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри Тошкент учрашуви якунлари тўғрисидаги Декларацияга имзо чекмоқда.

Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон Тошкент учрашуви якунлари тўғрисидаги Декларацияга имзо чекмоқда.

А. Горокрик ва В. Кожевников фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ҳиндистон Бош Министри билан Покистон Президенти Тошкентда учрашиб ва Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги мавжуд муносабатларни муҳокама қилиб, ўз мамлакатлари ўртасидаги нормал ва тинч муносабатларни тиклаш учун ҳамда ўз мамлакатларининг халқлари ўртасида ҳамжиҳатликка ва дўстона муносабатларга кўмаклашиш учун маҳкам бел боғлаганликларини ушбу Декларация билан баён қиладилар. Бу мақсадларга эришишни улар Ҳиндистон билан Покистондаги 600 миллионлик халқнинг фаровонлиги учун ҳаётий муҳим иш деб ҳисоблайдилар.

I.

Ҳиндистон Бош Министри билан Покистон Президенти ҳар иккала томон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ, Ҳиндистон билан Покистон ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари вужудга келтириш учун бутун куч-ғайратни сарфлашлари керак деган фикрга қўшиладилар. Улар Уставга мувофиқ, ўз ниятларига куч ишлатмаслик ва ўз низоларини тинч воситалар билан ҳал қилиш мажбуриятини олганликларини таъкидлайдилар. Улар икки мамлакат ўртасидаги кескинликнинг давом эта бериши шу мамлакатлар районида ва, жумладан, Ҳиндистон-Покистон субқитъасида тинчлик манфаатларига, шунингдек Ҳиндистон билан Покистон халқларининг манфаатларига мувофиқ эмас, деб топдилар. Жамму билан Кашмир масаласи худди шу нарса ҳисобга олинган ҳолда муҳокама қилинди ва томонларнинг ҳар қайсиси ўзининг тегишли позициясини баён қилиб берди.

II.

Ҳиндистон Бош Министри билан Покистон Президенти ҳар икки мамлакатнинг барча куролли хизматчилари улар 1965 йил 5 августгача ишғол қилиб турган позицияларга 1966 йил 25 февралдан кечиктирмай олиб бориб қўйилади ҳамда ҳар иккала томон жанг ҳаракатларини тўхтатиш линиясида жанг ҳаракатларини тўхтатиш шартларига риоя қиладилар, деб аҳдлашиб олдилар.

III.

Ҳиндистон Бош Министри билан Покистон Президенти Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатлар бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципи асосида ўрнатилади, деб аҳдлашиб олдилар.

IV.

Ҳиндистон Бош Министри билан Покистон Президенти ҳар иккала томон иккинчи бир мамлакатга қарши қаратилган ҳар қандай пропагандани рағбатлантирмайдилар ва иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берувчи пропагандага кўмаклаша берадилар, деб аҳдлашиб олдилар.

V.

Ҳиндистон Бош Министри билан Покистон Президенти Ҳиндистоннинг Покистондаги Олий комиссари билан Покистоннинг Ҳиндистондаги Олий комиссари ўз мамлакат дипломатик миссияларининг нормал фаолияти янгидан бошлаб юборилсин, деб аҳдлашиб олдилар. Ҳар иккала ҳукумат дипломатик алоқалар тўғрисидаги 1961 йилги Вена Конвенциясига риоя қиладилар.

VI.

Ҳиндистон Бош Министри билан Покистон Президенти Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги иқтисодий ва савдо алоқаларини, коммуникацияларни, маданий алоқаларни тиклаш чораларини кўриб чиқиш, шунингдек Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги мавжуд битимларни бажариш чораларини кўриш ҳақида келишиб олдилар.

VII.

Ҳиндистон Бош Министри билан Покистон Президенти ҳарбий асирларни репатриация қилиш тўғрисида ўзларининг тегишли маъмурларига кўрсатмалар беришлари тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

VIII.

Ҳиндистон Бош Министри билан Покистон Президенти қочоқларга ва кўчириб юбориш (нолегал иммиграция)га боғлиқ бўлган проблемаларни муҳокама қилишни томонлар давом эттирадилар, деб келишиб олдилар. Улар, шунингдек ҳар иккала томон аҳоли кетиб қолишининг олдини олиш учун шарт-шароитлар вужудга келтирадилар, деб келишиб олдилар. Сўнгра улар можаро муносабати билан иккинчи томоннинг қўлига ўтиб қолган мол-мулкларни ва сармояларни қайтариб бериш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш ҳақида келишиб олдилар.

IX.

Ҳиндистон Бош Министри билан Покистон Президенти ҳар иккала мамлакатга бевосита тааллуқли бўлган масалалар устида томонлар ўртасидаги учрашувларда ҳам давом эттириш ҳақида аҳдлашиб олдилар. Ҳар иккала томон келгусида қандай амалий чоралар кўриш кераклиги ҳақида қарорлар қабул қилмоқ учун ўз ҳукуматларига ахборотлар бериб турадиган Ҳиндистон-Покистон қўшма органларини тузишни зарур деб топдилар.

* * *

Ҳиндистон Бош Министри билан Покистон Президенти ўзаро қониқарли натижаларга олиб келган ушбу учрашувни ташкил этишда конструктив, дўстона ва олижаноб роль ўйнаганликлари учун Совет Иттифоқи раҳбарларига, Совет ҳукуматига ва шахсан СССР Министрлар Советининг Раисига ўзларининг чуқур ташаккур ва миннатдорчилик туйғуларини баён қиладилар. Улар, шунингдек хурсандчилик билан кутиб олганликлари ва сахий меҳмондўстликлари учун Ўзбекистон ҳукуматига ва дўст халқига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

Улар СССР Министрлар Советининг Раисини ушбу Декларацияни гуворлантиришга таклиф қиладилар.

Ҳиндистон Бош Министри
Лаъл Баҳодир ШАСТРИ

Покистон Президенти
Муҳаммад АЮБХОН

Тошкент, 1966 йил 10 январь.

* * *

Халқаро практикага мувофиқ, Тошкент Декларацияси икки альтернат — Ҳиндистон ва Покистон альтернатларидан иборат қилиб тузилган. Ҳар икки текстнинг мазмуни бир хилдир, яъни бир хил кучга эгадир. Уларнинг ўртасидаги тафовут фақат шундан иборатки. Покистон альтернатида биринчи ўринда Покистон тилга олинса, Ҳиндистон альтернатида аввал Ҳиндистон тилга олинади.

(ТАСС).

А. Н. КОСИГИН ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

ТОШКЕНТ, 10 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри билан Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон шарафига бугун кечқуруғ қабул маросими ўтказди.

Муҳаммад Аюбхон ва Лаъл Баҳодир Шастри билан бирга қабул маросимида Ҳиндистон ва Покистон делегацияларининг аъзолари иштирок этдилар.

Қабул маросимида Совет ҳукуматининг бошлиғи А. Н. Косигин билан бирга Ўзбекистон республикаси Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, Совет Иттифоқи Маршали В. Д. Соколовский, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов, СССРнинг Покистондаги элчиси М. В. Дегтярь, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари В. Г. Ломоносов, И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, Р. Н. Нишонов ва Ўзбекистон республикасининг бошқа раҳбарлари, Тошкент корхоналарининг директорлари, Тошкент областидаги колхозларнинг раислари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, Ўзбекистон жамоатчилигининг вакиллари, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими дўстона вазиятда ўтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон санъат усталарининг катта концерти бўлди.

А. Н. Косигин Л. Б. Шастри билан суҳбатлашди

ТОШКЕНТ, 10 январь. (ТАСС). махсус мухбирлари). Бугун якунловчи мажлисда Тошкент Декларацияси имзоланди. Ана шу якунловчи мажлисдан кейин СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Ҳиндистон Бош Министри Л. Б. Шастри билан суҳбатлашди. Суҳбатда СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов билан Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси Т. Н. Кауль иштирок этдилар.

МУҲАММАД АЮБХОН ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

ТОШКЕНТ, 10 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри Резиденциясида Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон шарафига нонушта зиёфат берди.

ТИНЧЛИК СИЁСАТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкент учрашувининг якунлари тўғрисидаги Декларация имзоланди

ТОШКЕНТ, 10 январь. (ТАСС — ЎзТАГ махсус мухбирлари). Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри билан Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхоннинг Тошкентдаги учрашуви муваффақият билан поёнига етди. Учрашув якунлари Покистон билан Ҳиндистон вакиллари бугун имзолаган Декларацияда қайд қилинди.

Тошкентдаги Ўзбекистон Ҳукумати уйида шу муҳим ҳужжатни имзолашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маҳаллий вақт билан кундуз соат тўртларда делегацияларнинг аъзолари тушган машиналар Ҳиндистон, Покистон, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган ана шу бино олдидаги катта майдонга кела бошлади. Уларни совет ва чет эл журналистлари кутиб туришар эди.

Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг фотосуратлар, кинохроника кадрлари ва телевизион эшиттиришлар орқали бутун дунёга танилиб қолган музокаралар зали. Музокаралар олиб бориладиган ялт-ялт этувчи силлиқ думалоқ стол устига делегацияларнинг номлари ёзилган лавҳачалар қўйилган. Зал юпитерларнинг ёғдусига шўнғиб кетган. Телекамералар ишга солинган. Телевизор экранлари ёнида ўтирган миллион-миллион кишилар мана шу залда гойибона ҳозир бўлиб, шонли воқеани ўз кўзлари билан кўрмоқдалар.

Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон, Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин баббаравар залга кириб келадилар.

Покистон билан Ҳиндистон раҳбарлари тўпланиб турган кишиларнинг гулдурос қарсаклари остида бир-бирларининг қўлларини маҳкам қисадилар. Совет ҳукуматининг бошлиғи уларнинг ёнига келар экан, фото, кино ва телерепортерлар уч ҳукумат бошлиғининг маҳкам қўл қисишиб турган пайтини суратга олишга ошиқадилар. Суратга олиш бир неча дақиқа давом этган бўлса, ҳар бир кадрда, ҳар бир суратда уч симонинг табассуми тасвирланиб қолди.

Лаъл Баҳодир Шастрининг атрофида ташқи ишлар министри Сваран Сингх, мудофаа министри Я. Б. Чаван, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси Т. Н. Кауль, Ташқи ишлар министрлигининг ташқи ишлар бўйича секретари Ч. С. Жха, Бош Министр секретари Л. К. Жха, ички ишлар

(Давоми иккинчи бетда).

ТИНЧЛИК СИЁСАТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

(Боши биринчи бетда).

министрлигининг секретари Л. П. Сингх, Ҳиндистоннинг Покистондаги олий комиссари К. Сингх, қуруқликдаги қўшинлар штаби бошлиғининг ўринбосари генерал-лейтенант П. Кумарамангалам, Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири И. Ж. Баҳодир Сингх, Мудофаа министрлигининг бўлим мудири Д. Р. Кохли, Бош Министр маҳкамасининг директори Ч. П. Сриваства, Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходими Б. Л. Шарма ўтирибдилар.

Муҳаммад Аюбхоннинг ёнида ташқи ишлар министри Зулфиқор Али Бхутто, Президентнинг мудофаа масалалари бўйича маслаҳатчиси, савдо министри Ғулом Фарук, информация министри Хўжа Шаҳобиддин, Ташқи ишлар министрлигининг ташқи ишлар бўйича секретари Азиз Аҳмад. Информация министрлигининг секретари Алтоф Гавҳар, Президентнинг бош секретари Юсуф, Ташқи ишлар министрлигининг бош директори Алви, Покистоннинг СССР даги элчиси Иқбол Атхор, Покистоннинг Ҳиндистондаги Олий комиссари Аршод Ҳусайн, Покистон армияси бош штабининг бошлиғи генерал-майор Шер Баҳодир, авиация маршали, Покистон авиация компаниясининг президенти Азаҳархон, Ташқи ишлар министрлигининг директорлари Бхатти, Охунд, Рашидлар бор.

А. Н. Косигин билан бирга СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, Совет Иттифоқи Маршали В. Д. Соколовский, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов, СССРнинг Покистондаги элчиси М. В. Дегтярь ҳозир бўладилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова, Республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. Азимов ҳам шу ерда ўтирибдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин томонларнинг келишувига мувофиқ Тошкент учрашувининг якунловчи мажлисини очади. А. Н. Косигин Декларацияни ўқиб эшиттириш учун Тошкент учрашувининг бош секретарь И. Н. Земсковга сўз беради. И. Н. Земсков текстни рус тилида ўқиб эшиттиради.

Шундан сўнг Ташқи ишлар министрлигининг маслаҳатчиси В. М. Суходрев Декларацияни инглиз тилида ўқиб беради.

Орзиқиб кутилган дам келди. Музокаралар роса бир ҳафта давом этди, жаҳон матбуоти бу музокаралар тўғрисида ҳар хил фикрлар билдирди. Лекин мана шу дам ҳамма фикрларни бир нарсага жо қилди. Тошкентдаги учрашув самаралі бўлганлигининг энг салмоқли далили — ҳар иккала томоннинг келишуви билан тузилган Декларация тексти стол устида турибди.

Лаъл Баҳодир Шастри билан Муҳаммад Аюбхон Декларациянинг бир хил мазмундаги икки нусхасини тантанали вазиятда имзолайдилар. Дипломатик протоколга мувофиқ, улар тарихий ҳужжатларни бир бирларига топширадилар ва шу ҳужжатларга яна имзо чекадилар. Декларация қабул қилинди!

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Покистон Президенти билан Ҳиндистон Бош Министрининг ёнига боради ва ҳозир бўлган барча кишиларнинг қарсаклари остида уларни қилинган иш муваффақиятли тугаллганлиги ва Декларация имзоланганлиги билан қизғин табриклайди. Шундан сўнг А. Н. Косигин мажлислар столи ёнига қайтиб, бундай дейди:

— Ўзаро мақбул қарорларга келиш йўлларини излашда ғайрат, сабр-чидам ва собитқадамлик кўрсатганликлари учун Покистон Президенти билан Ҳиндистон Бош Министрига улкан миннатдорчилик изҳор қилмоқчиман, бу қарорларнинг амалга оширилиши халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беражак, истар эдикки, бугун Сизлар ўз имзоларингизни чекиб тасдиқлаган ҳужжат Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги мангу дўстликнинг символи бўлиб қолсин.

Сизларга Совет ҳукуматидан, Совет Иттифоқининг барча халқларидан улкан табрик топширишга рухсат этгайсиз. Биз шунга аминмизки, Осиёдаги икки буюк халқнинг раҳбарлари бугун имзоладган Тошкент Декларацияси Ҳиндистон билан Покистон, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи, Покистон билан Совет Иттифоқи дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам беражак.

Мана шу учрашувдаги самарали ишда қатнашган ва унинг муваффақиятига қўмаклашган ҳамма кишиларга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Мен шунингдек Тошкентдаги музокараларнинг боришини виждонан ва ҳаққоний ёритган ва, шу орқали ўз томонидан учрашувнинг муваффақиятли тамом бўлишига ёрдамлашган матбуот вакилларига ташаккур изҳор қилмоқчиман.

Пировардида Сизга ҳам, жаноб Президент ва Сизга ҳам, жаноб Бош Министр, яна бир карра муваффақиятлар тилайман ва шуни айтиб қўймоқчиманки, биз Сизларнинг бундан буён ҳам самарали тарзда учрашиб туришларингизни тилаймиз.

Покистон Президенти ва Ҳиндистон Бош Министри билан келишиб олганимизга мувофиқ, Тошкент учрашувини тамом бўлди, деб эълон қилишимга рухсат этгайсиз.

Яна гулдурос қарсаклар бошланиб, бир неча дақиқа давом этади. Тўпланган кишилар Ҳиндистон ва Покистон вакилларини музокаралар муваффақиятли якунланганлиги билан қизғин қутлайдилар. Ҳиндистон ярим оролидаги икки буюк давлатнинг раҳбарлари яна бир-бирларига яқинлашиб, қаттиқ қўл қисишадилар ва бир-бирларига дўстона сўзларни айтадилар.

Тошкентдаги музокаралар тамом бўлди. Тинчлик сиёсатининг тантанаси — бу музокараларнинг асосий натижасидир.

М. ГЕРАСИМОВ,
Г. ЛИПШИЦ,
Е. МАЙОРОВ,
Н. ТУРКАТЕНКО.

ЖУРНАЛИСТЛАР ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ТОШКЕНТ, 9 январь. (ТАСС). Кеча кечаси Ҳиндистон делегацияси Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри билан Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхоннинг учрашувини ёритаётган журналистлар шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Ҳиндистон Бош Министри Л. Б. Шастри ҳозир бўлди.

САНЪАТ САРОЙИДАГИ УЧРАШУВ

Ҳиндистон ярим оролидаги икки буюк мамлакат давлат арбоблари ўртасида Тошкентда ўтказилаётган учрашувни ёритиш учун бу ерга келган журналистлар 9 январда эрталаб Ўзбекистон маданият арбоблари билан учрашдилар.

Тошкентдаги Санъат саройи залида ёзувчилар, артистлар, рассомлар, композиторлар, олимлар, педагоглар, архитекторлар тўпланишди. Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева тўпланганлар номидан меҳмонларни табриклаб, республиканинг маънавий бойликлари ҳақида, Совет ҳокимияти йилларида республиканинг маданий ҳаётида рўй берган ажойиб ўзгаришлар тўғрисида гапириб берди.

Шундан кейин сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. Н. Қори-Ниязова, республика Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси К. Яшин, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг раиси Х. С. Шукурова Ўзбекистон халқлари билан кўпгина чет мамлакатлар, шу жумладан Ҳиндистон ва Покистон халқлари ўртасида кун сайин мустаҳкамланиб бораётган дўстона алоқалар билан журналистларни таништирдилар. Ўзбекистон ижодий интеллигенциясининг вакиллари республиканинг барча меҳнаткашлари номидан Покистон ва Ҳиндистон вакилларининг Тошкентдаги учрашувига муваффақият тиладилар.

Тўпланганларга Ўзбекистон ҳаёти тўғрисида қиқоя қилувчи ҳужжатли фильмлар кўрсатилди. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ УЧРАШУВИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ҚИСМИ ЗАНГОРИ ЭКРАНЛАРДА

Совет Иттифоқининг ва бошқа мамлакатларнинг миллион-миллион телетомошабинлари 10 январда яна Тошкентни кўрдилар. Улар Ҳиндистон-Покистон можаросини тинч бартараф этиш юзасидан Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон билан Ҳиндистон Бош министри Лаъл Баҳодир Шастри ўртасида олиб борилган музокараларнинг тугалланишига бағишланган маросимнинг шоҳиди бўлдилар.

Телетомошабинлар залга тўпланган музокара қатнашчилари, кўпдан-кўп журналистлар ва бошқа меҳмонлар Покистон, Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи ҳукуматларининг бошлиқларини қандай қизғин табриклаганликларини кўрдилар. Музокаралар вақтида қабул қилинган Тошкент Декларациясининг тексти рус ва инглиз тилларида ўқиб берилди.

Телетомошабинлар Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон билан Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри шу декларацияни имзолаётганликларини кўриб турдилар.

(ТАСС).

А. Н. КОСИГИННИНГ СОВЕТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ БИЛАН СУҲБАТИ

10 январда Тошкент учрашувининг якунловчи мажлиси тамом бўлгандан кейин совет журналистлари Покистон Президенти М. Аюбхон билан Ҳиндистон Бош Министри Л. Б. Шастрининг поёнига етган музокаралари тўғрисида ўз таассуротларини гапириб беришни СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиндан илтимос қилдилар.

А. Н. Косигин бундай деди:

— Бугун бу ерда муҳим сиёсий ҳужжат бўлган Тошкент Декларацияси имзоланди. Бу Декларация Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги босқични очиб беради, ҳарбий можарога чек қўяди. Осиёнинг икки йирик давлати ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга тўсқинлик қилиб турган қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб беради ва, бизнинг фикримизча, Осиёнинг ана шу энг муҳим районида тинч шароитлар яратиш учун реал асослар вужудга келтиради.

Бу музокаралар қийинчилик билан ўтди, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки узоқ йиллар мобайнида ниҳоли проблемалар йиғилиб қола берган эди. Бундан ташқари, шуни эсда тутиш лозимки, Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги жанжал узоқ давр мобайнидаги мустамлакачилар ҳукмронлигининг мероси бўлиб, мустамлакачилар асоратга солинган халқларни бир-бирига гиж-гижлаб келар эдилар. Ҳиндистон билан Покистон ўртасида ҳарбий можаро вужудга келганлиги натижасида аҳвол беш баттар мураккаблашиб қолди.

Яқиндагина уруш ҳолатида бўлган икки мамлакат раҳбарларининг музокаралар столи ёнида учрашишлари, бир-бирларининг қўлларини қисишлари ҳамда Покистон билан Ҳиндистоннинг ўртасига совуқчилик солиб турган чигал масалаларни ечиш йўлларини қидиришга киришишлари унчалик осон бўлмаганлигини биз тушунамиз. Аммо Ҳиндистон Бош Министри Шастри билан Покистон Президенти Аюбхон шуларнинг ҳаммасидан баланд кўтарила олдилар, Совет ҳукуматининг таклифини қабул қилиб, музокаралар ўтказиш учун Тошкентга келдилар. Мана шунда биз давлат арбобларига хос зўр доноликнинг ва ҳар иккала мамлакат халқларининг ҳаётий манфаатлари тўғрисидаги ғамхўрликнинг ифодасини кўриб турибмиз.

Музокараларнинг ўзи қандай кечди? Бу етти кун ўзаро мақбул қарорларга келиш йўлларини сабр-қаноат кўрсатиб излаш билан ўтди. Покистон билан Ҳиндистоннинг ўртасига совуқчилик солиб кўйган мураккаб проблемалар бандма-банд қараб чиқилди. Покистон Президенти билан Ҳиндистон Бош Министри ана шу проблемаларни бартараф қилишга олиб борувчи йўлларни қидиришга обдан меҳнат сарфладилар. Ҳам Ҳиндистон халқи, ҳам Покистон халқи манфаатдор бўлган масалаларни ҳал қилишга амалий муносабатда бўлиш йўлини топмоқ учун улар ҳамма ишни қилдилар, деб дангал айтиш мумкин.

Тошкент Декларацияси сулҳ ўрнатади, Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик муносабатларни нормаллаштиради, можаро натижасида тўпланган кўпгина бошқа масалаларни ҳал қилади, ҳар иккала мамлакатнинг ҳарбий ҳаражатларини бинобарин эса, Ҳиндистон билан Покистон халқлари кўтариб келган ва ҳамон кўтариб келаётган уруш юкини камайтириш учун имкониятлар очиб беради.

Мана шуларнинг ҳаммаси хоҳ у давлатга бўлсин, хоҳ бу давлатга бўлсин нормал ҳаётга ўтиш имкониятини беради. Мана шунинг учун, менимча, Ҳиндистон билан Покистон халқлари ўз халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушувчи қарорларга келиш йўлларини топа билган ўз раҳбарларининг хизматларига муносиб баҳо бергайлар.

Осиёнинг мана шу энг муҳим районида тинчлик ҳукм суришини сидқидилдан истаган барча кишилар иккала мамлакатнинг давлат арбоблари томонидан доноликнинг ифодасини кўрадилар.

Тошкент Декларациясини амалга оширилиши шу Декларацияни турмушга татбиқ этадиган кишиларнинг маҳоратига ва давлат арбобига хос донишмандлик кўрсатишига боғлиқдир. Декларацияга ёзиб қўйилган қоидаларнинг бажарилиши қанчалик аҳамиятга эга бўлади. Бу қоидаларнинг амалга оширилиши натижасида Покистон билан Ҳиндистон халқлари Тошкент учрашувининг реал самараларидан баҳраманд бўладилар.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, Ҳиндистон ва Покистон халқларига бутун совет халқидан энг қизғин қутловлар йўлламоқчиман ҳамда уларнинг ҳар бир хонадонига, ҳар бир оиласига тинчлик ва бахт-саодат тиламоқчиман.

ТОШКЕНТДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Тошкент, 9 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Совет Иттифоқининг Ҳиндистон — Покистон муносабатларини нормаллаштиришга эришиш йўлидаги олиҳимматлиги, саботи ва самимий интилиши Покистон халқининг қалбида абадий чуқур из қолдиради, — деди Покистон вакили «Тошкент» меҳмонхонасида бугун ўтказилган навбатдаги матбуот конференциясида нутқ сўзлаб. У ана шу музокараларда Совет ҳукуматининг бошлиғи А. Н. Косигин шахсан иштирок этиб ҳисса қўшганлиги Покистон делегациясида чуқур таассурот қолдирганлигини ҳам айтди.

Покистон вакили проблемаларнинг моҳиятига ўтиб, бундай деди: Бугунги кун баракали музокаралар куни бўлди. Бугун Президент Аюбхон билан А. Н. Косигин ўртасида учрашувлар, шунингдек Покистон билан Ҳиндистон ташқи ишлар министрлари ўртасида икки томонлама музокаралар бўлиб ўтди.

Покистон вакили сўнгра ўз нутқида, музокаралар илгари силжиб бораётганлигини кўрсатиб, шу билан бирга ҳамжиҳатликка эришиш — катта саботни талаб қилувчи секин процесс эканлигини таъкидлаб ўтди. У, Покистон делегациясининг вакили сифатида Тошкент учрашувининг яхши натижа билан тугашига умидворман, деб илова қилди.

* * *

ТОШКЕНТ, 9 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Ҳиндистон делегациясининг вакили навбатдаги матбуот конференциясида бугун мухбирларга қуйидагиларни айтди: Бош Министр Л. Б. Шастри бошчилигида Тошкент учрашувида қатнашаётган Ҳиндистон делегацияси 11 январда, яъни Президент Аюбхон бошлиқ Покистон делегацияси жўнаб кетадиган куни, Тошкентдан жўнаб кетиш ниятидадир.

Ҳиндистон вакили бундай деди: Ҳиндистон Бош Министри Л. Б. Шастри бугун кунинг биринчи ярмида Совет ҳукуматининг бошлиғи А. Н. Косигин билан учрашди. Кечқурун иккинчи марта учрашув бўлди.

Ҳиндистон делегациясининг вакили Ҳиндистон томони ахборот имоланишини музокараларни тугаллаш учун зарур қадам деб ҳисоблайдими, деб берилган саволга жавоб қайтариб, бундай деди: Музокараларда икки томон қатнашмоқда. Музокараларнинг қандай шаклда тугалланиши ҳар иккала делегациянинг фикрига боғлиқ. Ана шу масала ҳозир муҳокама қилинмоқда. Асосий масала юзасидан битимга эришишни биз муҳим деб ҳисоблаймиз.

Суратларда: 1. Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон ва Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастри журналистлар орасида. 2. 3. Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон билан Ҳиндистон Бош Министри Лаъл Баҳодир Шастрининг учрашув пайтлари.

А. Горокрик ва В. Кожевников фотолари.

СССРДА МИЛЛИЙ ДАРОМАД

Социалистик жамият ҳар бир аъзосининг, айрим корхона, муассаса ҳамда бутун бир давлатнинг даромадлари умуман олганда мамлакатдаги миллий даромаднинг умумий ҳажмига боғлиқдир. Миллий даромад социалистик экономикани ривожлантириш ва халқ фаровонлиги ўсишининг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Хўш, миллий даромаднинг ўзи нима? Миллий даромад ҳар йили жамият ишлаб чиқарадиган умумий ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмидир. Бу умумий маҳсулот муайян йилда ишлаб чиқарилган барча моддий бойликларни (ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари) ўз ичига олади. Миллий даромад эса йил давомида янгидан сарфланган меҳнатнинг маҳсулоти бўлган моддий бойликлардан иборатдир. (У натурал-буюм ва пул билан ифодаланади).

Шундай қилиб, миллий даромад мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг суръат ва миқёсларини характерловчи умумий кўрсаткичдир. Сон жиҳатидан у моддий ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида бир йил давомида янгидан яратилган қийматлар суммасидан иборат бўлиб, бу суммадан жамият экономикани янада ривожлантириш ҳамда халқнинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиши мумкин. Миллий даромад қанча кўп бўлса, социалистик кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш суръатлари шунча юқори бўлади, аҳоли эҳтиёжларини тўла қондириш учун шунчалик кенг имконият туғилади.

Миллий даромад, умумий ижтимоий маҳсулот сингари, моддий ишлаб чиқариш соҳасида — саноатда, қишлоқ хўжалигида, қурилишда ва қисман транспорт ҳамда савдода сарфланган меҳнат билан яратилади. Бунда икки фактор миллий даромад умумий ҳажмининг ортишига асосий таъсир кўрсатади. Бу — моддий ишлаб чиқариш сферасида банд бўлган ходимлар сонининг ўсиши ҳамда улар меҳнати унумдорлигининг ортишидир.

Миллий даромаднинг ҳосил бўлиши ва уни тақсимлаш ўртасида бевосита алоқадорлик ҳамда муайян ўзаро таъсир мавжуддир. Лекин ҳамма ҳолларда ишлаб чиқариш биринчи ўринда туради, чунки агар миллий даромад яратилмаса тақсимлашнинг ўзи ҳам бўлмайди. Ҳар бир киши шуни яхши биладики, жамият томонидан бир йил давомида яратилган моддий бойликлардан кўп тақсимлаш ва улардан фойдаланиш мумкин эмас, албатта

Етти йиллик давомида мамлакатимизда халқ фаровонлигини ошириш юзасидан қатор йирик тадбирлар амалга оширилди. Иш куни қисқартирилди, ўртача иш ҳаки оширилди, ишчи ва хизматчиларнинг кўпчилик қисмининг иш ҳақларидан олинадиган солиқлар бекор қилинди ёки камайтирилди, колхозчиларни пенсия билан таъминлаш жорий қилинди. Ер-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилянти, аҳолига социал маданий ва маиший хизмат кўрсатиш анча яхшиланди.

Янги беш йилликда (1966—1970 йиллар) халқимиз янада фаровонроқ ҳаёт кечирадиган бўлади. Шу муносабат билан ресурсларни ривожлантириш ва умуман мамлакатда миллий даромадни кўпайтириш манбаларини кенгайтириш тўғрисидаги масала алоҳида аҳамият касб этади.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1965 йил) Пленумида кўрсатилганидек, бизда кейинги йилларда ижтимоий ишлаб чиқариш эффективлиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир сўмига тўғри келадиган миллий даромад ҳамда саноат маҳсулоти ҳажми бироз камайди. Бу социалистик хўжалигимизнинг улкан афзалликларидан ҳали тўла фойдаланилмаётганлигидан дарак бериб турибди. Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлиги ва ижтимоий ишлаб чиқариш эффективлигини ошириш масаласи ҳозир биринчи ўринга чиқиб олди.

Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, ишлаб чиқариш имкониятларимиздан қанчалик кўп фойдаланилса, шунча кўп маҳсулот ишлаб чиқариладиган, мамлакатимиз миллий даромади шунчалик тез орта борадиган бўлади. Бу эса совет жамияти ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишга тобора кўп маблағ сарфлаш имкониятига эга бўлади, демакдир.

Мамлакатимиз миллий даромади икки катта фонд—жамғариш фонди ва истеъмол фонди бўйича тақсимланади. **Жамғариш фонди** миллий даромаднинг шудай бўлагидирки, у социалистик ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга сарфланилмайдиган (уй-жой, маданий ва маиший муассасалар) асосий фондларни кўпайтириш, страхование запаслари ва резервларини яратиш учун фойдаланилади.

Истеъмол фонди эса миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, у моддий бойликлар суммаси кўринишида аҳолининг шахсий истеъмоли, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассаса ва ташкилотлари, илмий муассасалар ва бошқариш аппаратини таъминлаш учун ажратилади. Истеъмол фонди аҳолига икки асосий канал бўйича сарфланади. Улардан бир қисми жамоат эҳтиёжларини қондириш учун (социал-маданий тадбирлар), иккинчи бир қисми эса аҳолининг шахсий истеъмоли учун сарфланади.

1966 йилги Давлат планида жамғариш ва истеъмол учун фойдаланиладиган миллий даромадни 1965 йилда кутилган 6 процент ўрнига 6,4 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Бунда истеъмол фонди 6,8 процент ошиб, унинг миллий даромаддаги ҳиссаси 73 процентга қадар ортади. Социалистик тузум шароитида истеъмол фондининг кўпайиши ишлаб чиқаришнинг бевосита мақсади бўлиб, жамғариш эса ана шу мақсадни амалга оширишнинг воситасидир.

Маълумки, социализм миллий даромадни тақсимлашга бир томонлама, тор истеъмолчилик жиҳатидан ёндошишни рад қилади. Чунки узлуксиз ривожланаётган моддий ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам асосидагина халқ фаровонлигини ошириш мумкин.

Маълумки, ишлаб чиқариш воситалари — машина, асбоб-ускуна материалларидан энг яхши фойдаланиш бир асбоб-ускуна ёки худди ўша материалдан кўпроқ маҳсулот олиш мумкинлигини билдиради. Аксинча, ишлаб чиқариш эффективлиги қанча кам бўлса, бу воситалардан қанча ёмон фойдаланилса, жамият миллий даромадининг каттагина қисмини ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ажратишга мажбур бўлади ҳамда даромаднинг кам қисми шахсий эҳтиёжларга сарфлаш учун қолади. Шунинг учун ҳам асосий фондларга сарфланган ҳар бир сўмдан келадиган даромад узлуксиз равишда кўпая боришига эришмоқ лозим.

Айрим кишилар ва умуман синфлар оладиган даромадларнинг ўзаро нисбати ёки бошқача қилиб айтганда, уларнинг мамлакат миллий даромадидаги салмоғи ва ҳиссаси тақсимот қонунларига боғлиқдир. Социализмда меҳнатга қараб тақсим қилиш қонуни амалга оширилади. Ҳар бир меҳнаткаш миллий даромадда ўз ҳиссасига эга. Бу ҳисса ҳаммадан аввал ҳар бир кишининг жамият учун қандай миқдорда (ва қандай сифатда) меҳнат қилганлиги билан белгиланади. Ленин уқтирганидек, социализмда меҳнат меёри ҳам, уни тақдирлаш ҳам белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

Меҳнатга қараб ҳақ тўлаш миллий даромадда ҳар бир кишининг индивидуал ҳиссасини белгилайди, меҳнат унумдорлиги ўсишини рағбатлантиради ва бу билан миллий даромаднинг ўсишини таъминлайди. Ўз навбатида бу меҳнаткашлар даромадининг кўпайиши учун янги имкониятлар яратиб беради. Миллий даромад ўсаборишн билан бирга ҳар бир ишчи ва хизматчининг шахсий даромади ҳам орта боради.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми миллий даромадда жамғариш фонди билан истеъмол фонди ўртасидаги энг тўғри ва иқтисодий жиҳатдан асосланган пропорциялар бўлишини таъминлаш юзасидан қатор муҳим тадбирлар белгилади. Пленум қарорларида корхоналарни иқтисодий жиҳатдан (нарх, фойда, мукофот, кредит сингари ричаглар ёрдамида) рағбатлантириш ва давлат манфаатларини корхоналар фаолияти умумий якунларини яхшилашдан ходимларнинг моддий манфаатдорлиги билан қўшиб олиб бориш вазифаси қўйилган. Бу — халқ фаровонлигининг ошиши, ҳар бир совет меҳнаткашининг ойлик иш ҳақи даражаси кўп жиҳатдан ички саноат жамғармаларининг миқдори, рентабеллик ва фойданинг эришилган даражаси билан белгиланади демакдир.

Моддий ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда иқтисодий ричаглар ролининг кучайиши ҳар бир корхона коллективи, ҳар бир ходимнинг корхона даромадларини ошириш йўлларини қидириб топишдан ва бу билан миллий даромаднинг умумий ҳажмини оширишдан энг кўп манфаатдор бўлишларига қаратилгандир.

Корхона — мамлакатнинг бирламчи хўжалик ячейкасидир. СССР миллий даромадининг ўсиши пировард оқибатда худди ана шу ячейкага боғлиқдир, бу ўсиш ана шу ячейканинг моддий, меҳнат ҳамда молия ресурсларидан қанчалик эффектив фойдаланаётганлиги билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда моддий рағбатлантириш фонди билан бир қаторда истеъмол фондини кўпайтириш халқ фаровонлигини юксалтиришда муҳим манбага айланиб бормоқда. Бу тобора ўсиб борадиган фойданинг бир қисмидан ходимларни мукофотлаш ва уларни йил охирида бир вақтнинг ўзида тақдирлаш учун фойдаланишда ўз ифодасини топмоқда. Бундан бўён ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳаки фабрика, завод, шахта ва ҳоказолар ишлаб чиқариш фаолиятининг умумий якунлари билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар бир меҳнаткашнинг индивидуал даромад ҳиссасини эса колхоз ва совхозлар оладиган умумий даромадлар белгилаб беради.

Социалистик корхоналарда ҳосил қилинадиган ҳамда социал-маданий тадбирларга сарфланадиган фонд ҳам истеъмол фонди ҳисобланади, чунки у жамоат истеъмоли учун фойдаланилади ҳамда меҳнаткашлар реал даромадининг ошиши учун қўшимча даромад бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз экономикасининг юксалиши жамиятимиз барча аъзоларининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди. Бу КПСС Программасининг ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт саодати учун деган шиорининг амалга оширилишидир.

Д. АЛАХВЕРДЯН,
СССР Фанлар академияси экономика институти директорининг ўринбосари.

ГИДРОПОНИКАНИНГ ИСТИҚБОЛИ

СССР УЧУН «ТУПРОҚСИЗ» ДЕҲҚОНЧИЛИК ЛОЗИММИ?

Қишлоқ хўжалик экономикаси бўйича ҳар қандай мутахассис ҳам гидропоника — сабзавотни тупроқсиз озуқа суюқлигида етиштириш экин майдони кичик бўлган, аҳолиси зич жойлашган мамлакатлар, масалан Япония ва бошқа бир қатор Ғарбий Европа давлатлари учун айниқса рентабелли эканлигини билади.

Аммо аҳолиси унчалик зич жойлашмаган, бутун қуруқликнинг олтидан бирини эгаллаган улкан мамлакат — Совет Иттифоқида гидропоникани ривожлантириш мақсадга мувофиқми?

СССР иқлими — гидропоника мамлакат хўжалигида катта роль ўйнаши мумкин эканлигини тақозо қилади. Бу иқлим арктик ва субтропик, кескин континенталь ва территориянинг катта қисмида асосан совуқдир. Грузия, Туркманистон, Ўзбекистон энг иссиқ районларида қишда ўн даражагача совуқ бўлади, ёзда эса Туркманистоннинг айрим жойларида кўпинча эллик даражагача иссиқ бўлади. СССРда кун ва тундаги температурининг фарқи 30 даражадан, қишда ёз температурасининг фарқи эса 90 даражадан ошадиган жойлари бор. Тунги совуқ гуллаб турган боғлар, далалардаги энди униб чиққан экинларни уриб кетмайдиган йил кам учрайди. Ҳосил йилига бир марта ёки икки марта олинади ва унинг миқдори кескин ўзгарувчи иқлимга қараб бўлади. Аҳолини эса элеваторларда запас қилиб қўядиган донинг ўзи билангина боқилмайди. Жуда катта омборларда кўп ойга етадиган миллионлаб тонна картошка, карам ва бошқа сабзавотларни, тез бузилиб қоладиган хўл меваларни гамлаш керак. Бу жуда кўп маҳсулотларнинг ҳаммасини совуқдан асраш, маълум даражадаги ҳарорат ва намликда сақлаш керак. Мураккаб ва қимматга тушадиган иш бўлса ҳам шундай қилинади, чунки иқлим шунга мажбур этади.

Теплица хўжалигининг ривожлантирилиши мамлакатнинг совуқ иқлимига боғлиқликни маълум даражада камайтиради. Кўп экинлар бутун йил давомида етиштирилади. Лекин умуман олганда СССРнинг икки юз ўттиз миллионлик аҳолисининг озиқ-овқат балансида теплица маҳсулотлари иккинчи даражали роль ўйнайди. Булар қишда етиштирилган тансиқ помидорлар, кўк пиёз ва бодринглар бўлиб, уларнинг таннархи анча юқори, миқдори эса талабни сира қондиролмайди.

ОЧИҚ ВА ТЕПЛИЦА ГИДРОПОНИКАСИ

Гидропоника ва ўсимлик илдизига ҳавода мунтазам озуқа суюқлиги сепилиб туриши билан характерли бўлган аэропоника ҳозирги вақтда теплица хўжалигининг соҳаси сифатида ривожланмоқда. Жанубда пахтани очиқ ҳавода ўстириш соҳасидаги тажрибалар катта қизиқиш туғдиради. Ердагига қараганда кечроқ экилган ғўза ниҳоллари бирмунча тез ривожланади. Тажрибада биринчи августга келиб ҳар бир кўчатда ўн олтитадан йигирма учтагача кўсак бўлган. Ўн кундан сўнг кўсакларнинг сони айрим кўчатларда ўттиз саккизтагача етган. Улар билан ёнма-ён гидропоника тарновларида эмас, балки ерда ўстирилган кўчатларда кўсаклар сони нари борганда учтадан бўлган.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, ҳар бир гектар гидропон майдонидан икки юз центнергача пахта ҳосили олиш мумкин. Бу одатдагидан олти марта кўпдир. Бунда гап албатта қуёш иссиқлигининг миқдорида эмас, балки бирмунча рационал озиқлантириш режимидадир. Энг яхши озуқалардан ташкил топган суюқликдан ўсимлик зарур бўлган барча моддаларни олади, тупроқдан ҳосилни зўрбазўр олиб кўп илдизли система яратиш учун куч серф қилмайди.

Гидропон ҳавзалари очиқ ҳавода ёки теплицада бўлишидан қатъий назар олинадиган ҳосил жуда юқори бўлади.

Москва яқинидаги Марфино совхозида теплицада қум-шағалда бодринг ўстирилганда ҳар квадрат метрдан ўртача 21 килограммдан ҳосил олинган. Бу — ҳар гектардан икки минг центнерни ташкил қилади! Табиийки, одатдаги майдондан бундай ҳосил олиб бўлмайди: далада ҳатто силос учун кўк масса одатда уч-тўрт баравар кам олинади.

Совет агрохимиклари гидропоникада қум-шағални керамзит билан алмаштириб жуда яхши натижаларга эришдилар. Керамзит енгил, илдиз системасининг ривожланишини қийинлаштирмай илдизларга озуқа тузларини бемалол бераверади.

Теплица гидропоникасида ҳосилни саноат корхонасининг маҳсулоти каби аниқ планлаштириш мумкин. Шуниси ҳам борки, йирик гидропон теплицалари озиқ-овқат маҳсулотларини биохимик ишлаб чиқариш фабрикалари ҳам ҳисобланади. Шимолда, равшанки, теплицалар учун энг яхши плёнкали материалларда жуда кенг фойдаланилганда ҳам ўсимлик ҳавзаларига иссиқлик, ёруғлик берадиган сунъий «қуёшлар» учун кўпгина электр энергияси сарфлаш лозим бўлади. Лекин иссиқ районларда етиштирилган ҳосилни сақлаш ва Арктиканинг узоқ жойларига олиб бориш учун қанчадан-қанча куч ва маблағ сарф бўлади! Оддий экономик ҳисоблар шуни кўрсатадики, арктик гидропоника фойдалидир. Бунинг устига маҳсулотлар кўп ойлаб сақланади ва минглаб километрга ташилгандагидан яхшироқ ва таъмлироқ бўлади. Атом энергетикаси ривожланган, ер ости иссиқликдан кенг фойдаланилган (бунга совет Қутби бой) тақдирда келажак, эҳтимол, гидропоника замони бўлади.

СССР бирмунча иссиқ районларида очиқ ёки «вақти-вақти билан ёпилиб турадиган» гидропониканинг истиқболи бор деб ҳисоблаш керак.

Иссиқ ойларда участка ва теплицаларнинг ялтироқ плёнкалари йиғиштириб олиб қўйилади ёки синч кассеталарга ўралади. Совуқ бўлган уч-тўрт ой мобайнида гидропон участкалар иссиқлик ва электр оз миқдорда ишлатиладиган одатдаги теплицаларга айланади.

Гидропоника, чамаси, чорвачиликда катта аҳамият касб этади. Молларга, уй паррандаларига қиш ойларида янги кўк озуқа керак бўлади. Бунда ҳам гидропоникасиз ҳеч ёққа бориб бўлмайди.

Арманистон Фанлар Академиясининг ўсимликларни сунъий озиқлантириш тажриба станциясидаги олти қаватли алюминий стеллажларда кўк озуқа жуда тез ўсади. Оқ илдизлар бир-бири билан чирмашиб кетган жуда тўйимли «таглик»да қалин кўмкўк ажиб гилам ҳосил бўлади. Ширали озуқа қатламини ўрамўрам қилиб қўйиш мумкин, маълум миқдорда бўлиб-бўлиб қўйиш мумкин. Майдони ўн икки квадрат метр келадиган битта вегетацион установка ўнбешта сигир, юз йигирмата қўй ёки тўрт мингта товуқни кўк озуқа билан таъминлай олади.

ҚУМ, ҚУЁШ ПЛЮС СУВ

Совет Иттифоқининг қуёш энергияси ва иссиқликка бирмунча бой районларининг кўп қисми сувга камбағал ёки ундан бутунлай маҳрум. Ғарбий Қозоғистон ва Туркманистоннинг улкан территориялари шундай ерлардир. Қуёш ҳаддан ташқари қиздиради. Бўм-бўш саҳро қумлари мисдек қизийди. У ер бу ерда шўрхок тупроқ, тақир ерлар бўлиб, уларда ўсган ўтни май ойи охиридаёқ қуёш жизғанак қилиб юборади. Қоқ пешинда ҳар бир квадрат метр бўм-бўш ерга деярли бир киловатт келадиган қуёш энергияси сарф бўлади. Шундай майдондан Туркманистоннинг ўзида 300 минг квадрат километр бор. Бу майдонга бутун Италияни жойлаштирса бўлади.

Ўрта Осиё саҳроларидаги қумлар ўсимлик учун озуқа моддаларини ўзида сақламайди ҳисоб. Лекин бу қум агар саҳрога сув келтирилса гидропоника учун жуда яхши тупроқ бўлиб хизмат қилади. Қорақумни ҳозирқи дунёдаги энг катта суғориш канали кесиб ўтди. Бу каналнинг узунлиги 800 километрдан ортиқдир. Бироқ унинг суви катта майдонларда гидропоникани ривожлантириш учун етмайди. Бошқа ресурслардан фойдаланиш лозим бўлади. Аввало бир қатор саҳро районларида топилган ерости денгизларидан фойдаланиш лозим. Гидропон хўжалиги бир тонна маҳсулот учун одатдаги тупроқда ўстирилган маҳсулотга қараганда бир неча марта кам сув талаб қилади. Негаки, бугланиш майдони кичик ва сув ернинг чуқур қатламларига сизиб кетмайди.

Қуёш нурини аямай сочадиган қурғоқчил районларнинг ҳаммасида гидропоника пахта, сабзавотлар, боғдорчилик экинлари ва, эҳтимол, узум ҳамда хўл мевалар учун айниқса истиқболли бўлиши керак.

ГИДРОПОН КОНВЕЙЕРИ

Механизация масаласи қишлоқ хўжалигида энг муҳим масалалардан бири. Автоматлаштириш ишлари эса яна ҳам мураккаброқдир. Кўп кишилар бу ишни қисман амалга ошириш мумкин, ишлаб чиқаришнинг баъзи босқичларидагина қўлланиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Масалан, дон етиштиришнинг сўнгги босқичи бутунлай автоматлаштирилган. Лекин дондан нон заводигача бўлган ишлар бутунлай автоматлаштирилган деб бўлмайди. Бунда унумсиз ва жуда оғир қўл меҳнатига ҳали ҳам ўрин бор. Оддий гидропоникада гарчи уруғларни ва озуқа суюқлигини етказиб бериш бутунлай автоматлаштирилган бўлса ҳам ҳосилни йиғиштиришда анчагина қўл меҳнатини талаб қилади. Ҳавзаларни янги экинларга тайёрлашда ҳам оворагарчиликлар бор.

Тўла автоматлаштиришни амалга ошириш учун Совет Иттифоқида ишлаб чиқилаётган гидропон конвейерлари системасини бирмунча истиқболли деб ҳисоблаш керак.

Ёпиқ ёки очиқ гидропоника учун ҳавзаларнинг кенглиги бир ярим метрдан уч метргача бўлади ва участка ёки теплица ёнига параллель жойлаштирилади. Уларни хоҳлаган узунликда тайёрлаш мумкин. Лекин у қанча катта бўлса мосламанинг ишлаб чиқариш қуввати шунча юқори бўлади.

Лентанинг бошида автоматик селлка, охирига эса ҳосилни узлуксиз йиғиштириб олиш учун автоматлар ўрнатилади. Экилган кўчатнинг ўсиши ва етилиши конвейер лентасига етиб боргунга қадар давом этади. Лента қанча узун бўлса конвейер шунча тез айланади. Узунлиги 50 метр ва кенглиги икки метр бўлган лента конвейерли процессда 150 сигирни янги кўк озуқа билан таъминлайди.

Бодринглар, помидорлар ва бошқа «гидропонлашаётган» экинлар — пахтадан тортиб тарвузгача бўлган экинларни етиштирадиган конвейерлар ҳам шундай серҳосил бўлиши мумкин. Лентани ҳаракатга келтириш учун жуда оз электр энергияси сарф бўлади.

Гидропон конвейерлари «икки қаватли» бўлиши ҳам мумкин. Масалан, кўк озуқа етиштириш учун шундай конвейерлар ишлатилади. Бу ҳолда лентанинг тескари томонидан фойдаланилади.

Полимер материаллар ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилиши чамаси, бундай техникани бирмунча рентабелли қилади, бутун йил давомида фойдали дала ва томорқа экинлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга имкон беради. Ҳамма жойда шундай экинларнинг йирик фабрикалари бўлиши ҳозироқ шунчаки орзу ёки хаёлий гап бўлиб қолмади. Фақатгина химия саноати уларни озуқа суюқликлари учун моддалар билан таъминласа бўлгани.

Гидропоника — фан ёрдамида инсониятни ҳамма зарур нарсалар билан планетамизда аҳоли ҳатто ўнлаб марта кўпайган тақдирда ҳам таъминлай олиши мумкинлигини кўрсатувчи далиллардан биридир.

Ю. МОРАЛЕВИЧ,
АПН илмий обзорчиси.

Шу кунларда Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг теплица хўжалигида иш қизғин бораяпти. Сабзавоткорлар қиш мавсумида Тошкент шаҳри меҳнаткашларига 4 минг килограммдан кўпроқ помидор, пиёз, петрушка ва бошқа сабзавотлар етказиб беришга аҳд қилишган. Суратда: теплица ходимларидан Маъсуда Норхўжаева ва Олимжон Эрматов ўртоқлар помидор кўчатларини парвариш қилмоқдалар.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

ЯХШИ ЯКУН

«Правда» колхозининг 20-бригадаси дала шийпонидамиз. Суҳбат пахтачилик соҳасида ўтган йили қўлга киритилган ютуқлар, бу йилги янги режалар тўғрисида бораради.

— Ўтган йили чинакам зафар йили бўлди, — ҳикоя қилади бригада бошлиғи коммунист ўртоқ Тен Петр, — 143 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан планда белгилаган 30,5 ўрнига салкам 40 центнердан хирмон кўтардик. Ҳосилдорлик 1964 йилга нисбатан 4 центнердан, 1963 йилдагига қараганда қариб 16 центнерданга кўпайди. 90 процентдан ортиқроқ пахта биринчи сортга қабул қилинди. Натижада 154.800 ўрнига давлатга 204.500 сўмлик пахта сотишга муваффақ бўлдик. Бу бригадамиз аъзоларига жуда катта даромад келтирди. Ҳаммамиз хурсандмиз. Негаки, ҳалол меҳнатимиз, техникадан самарали фойдаланганлигимиз ўзининг яхши натижаларини берди.

— Сизларда меҳнат қандай ташкил қилинган? — қизиқиб сўраймиз ундан.

— Жўра Нишонбоев, Аҳмад Ҳусанов ўртоқлар нарядсиз ишлайдиган звеноларга бошчилик қиладилар. Ўз меҳнатларидан, етиштирган юқори ҳосилларидан ўзлари манфаатдор эканликларини яхши тушунган звено аъзолари кам меҳнат сарфлашга, ҳар бир ишни сифатли бажришга ҳаракат қилдилар. Чигит экишдан тортиб пахта теримигача механизациядан унумли фойдаландилар.

Ўртоқ Тен Петр бизга бу йилги режалар ҳақида ҳам сўзлаб берди.

— Бригадамиз аъзолари партиямиз XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Пахта ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ҳар бир ишни бошидан пухта қилиш учун курашяптилар. Экин майдонларимиз ўтган йилнинг кузидаёқ етарли озуқа солиниб шудгорлаб қўйилган. Ҳозир далага маҳаллий ўғит чиқарилянти. Суғориш шохобчалари тартибга солинянти, техника ремонти жадаллаштирилмоқда.

Бригадир бу йил алмашлаб экишга катта эътибор берилаётганлигини айтди. Ўтган йили пахта экилган ердан 78 гектарига яшил пояли канон уруғи сепилади. Пахта майдони эса илгари канон экилиб келинган карталар ҳисобига кенгайтирилади.

— Бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин», 200 центнердан «кўк олтин» етиштириш мажбуриятини олганмиз, — дейди бригада бошлиғи, — мана шу мақсад йўлида бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қиляпмиз.

Р. ДАУДБЕКОВ,
Юқори Чирчиқ райони.

НЕШҚАДАМЛАР

Қорачадан келган, ўрта бўйли бу аёлни фермадагилар ҳурмат қилишади. Кўп сут соғувчилар уни Таскира опа деб чақиришади. Билмаганларини сўрашади. Таскира Кириева ўз касбини севадиган моҳир чорвадорлардан. У, чарчаш нималигини билмайди. Доимо ўзига биркитилган соғин сигирларни меҳр билан парвариш қилади. Вақтида овқатлантириб, сутини соғиб олади. Ҳа, унинг кунига соғиб олаётган сути 215 литрдан кам бўлмаянти. Ҳисобчининг бизга айтишича ўртоқ Кириева ўтган йили 65 тонна сут соғиб олиб тайёрлов пунктларига жўнатибди. Илғор соғувчининг пландан ташқари топширган серқаймоқ сути 3 минг килограммдан ошиб кетибди.

— Сут соғувчиларимиз, — дейди ферма мудири Нишон Исабоев, — партиямизнинг навбатдаги съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун астойдил курашяптилар.

И. РУСТАМОВ,
Калинин районидаги Навоий номли колхоз.

ОЛИҲИММАТ КИШИЛАР

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Олиҳиммат кишилар! Қалби оташ, меҳрибон бундай кишилар билан ҳамма фахрланади. Инсон саломатлигининг посбонлари — медицина ходимларининг қайноқ меҳнати ҳам аъзоага мойик. Уларнинг номларини ҳурмат билан тилга олгинг келади.

Редакциямиз меҳнаткашларнинг шифокорлар хизматидан миннатдор бўлиб ёзган хатларини кўплаб олиб турибди. Мана, қўлимизда шундай хатлардан бир дастаси.

«Мен шифокорлар маҳоратига жуда қойил қолдим, — деб ёзади пойтахтнинг Ҳамза кўчасида турувчи **В. Қодиров.** — Қайлиғим оғир бетоб бўлиб қолди. У ҳа деганда соғаявермагач, врачларга кўрсатдик. 1-касалхона хирурги Н. Усмонов беморимизга айниқса, катта гамхўрлик кўрсатди. Мана, уч ойдирки, қайлиғим Тўхтахон дард кўрмагандек бўлиб соғайиб кетди. Ниятимиз газетангиз орқали шу жойнуқ врачларга оиламиз миннатдорчилигини билдириш эди».

Газеткондардан **Э. Нурхонов, Қ. Бобожонов** ўртоқлар ҳам олиҳиммат врачларнинг ишлари ҳақида ёзиб юборишган. Калинин районидаги «Коммунизм» колхозида истиқомат қилувчи **Умаровлар** биласи эса, колхоз врачи Қ. Обидовнинг жонқуйарлигидан мамнун эканликларини баён этишади.

Областимиз колхоз ва совхозларида ишлаётган қишлоқ медицина ходимларининг шу кунларда қилаётган ишларидан фахрланиб, уларни ардоқлаб ёзилган хатлар ҳам кўп. Юқори Чирчиқ районининг Паркент қишлоғида врач Ю. Айзенбергни ҳамма ҳурмат қилади. Газетхон **М. Турсунов** ўзининг «Тиш шифокори» деган материалида врачнинг ишчанлиги ва меҳрибонлигини илиқ сўзлар билан ёзади. Газетхон **Т. Юсуповнинг** ёзишича Х. Аҳмедов Яллама қишлоғи аҳолисига яхши медицина хизмати кўрсатаётган врачлардан биридир. У, колхозчи хонадонида ҳам, колхоз болалар яслисида ҳам тез-тез бўлиб туради.

Янгийўл районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг марказий даволаш пунктида даволашнинг илғор методларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда ҳамшира Зулфия Назарова ўзининг ишчанлиги билан ажралиб туради. Газетхон **Х. Набираев** мазкур пунктнинг яна бошқа ибратли ишлари ҳақида ҳам фахрланиб ёзади.

Бўка районидаги «Гулистон» колхозида ҳам ўз касбининг моҳир усталари бўлган кўпгина врачлар ишлашади. Ҳамшира З. Алимова ҳам шу коллективнинг ҳақиқий аъзоси. Унинг ишчанлиги ҳақида газетхон **Х. Норматов** илиқ гапларни айтган

Газеткондардан **А. Мирсидиқов, А. Раҳимбоев, Т. Ҳасановлар** юборган материаллар ўрта Чирчиқ районидаги Гагарин номли мактаб врачи Р. Тўйчиев, Чирчиқ шаҳридаги 12-мактаб врачи Д. Ортиқова, Тошкент Давлат медицина институти кўз касалликларини даволаш кафедраси мудири Т. Қосимовларнинг жўшқин меҳнатларига бағишланган. Шунингдек, врачлар малакасини ошириш институти коллективининг амалга ошираётган ишлари мақтовга лойиқ. Булар ҳақида газеткондардан **И. Замонов** ва **Ж. Хўжаев** ўртоқлар бизга хабар қилишган.

ҲАЁТ ЛАВҲАЛАРИ

РАССОМ УСТАХОНАСИДА

Рассом Юсуп Елизаров устахонаси. Ҳонада бўш жой йўқ. Бўёқ урилган, лекин ҳали битмаган суратлар деворларга суяб қўйилган. Сурп тортилган рамалар, бўёқлар, мўйқаламлар...

Мана, уй эгаси ҳам ичкарига кирди. Унинг қўлида ҳозиргина ювилган мўйқаламлар. У ўзи чизган суратлар ёнига келиб, бирма-бир кўрсата бошлади. Булар асосан кейнги бир-икки йил давомида чизилган этюдлар. Уларда фарғоналик колхозчилар, Самарқанд ва Бухоро манзаралари, жуда оддий ва ҳаётий воқеалар тасвирланган.

— Мен буларнинг кўпини йўлда чизганман, — дейди рассом.

Ҳа, Елизаров рассом бўлиб етишгунига қадар озмунча йўлларни босиб ўтмади. Аввал Самарқанд бадиий ўқув юртида машҳур рассом. П. Беньков қўлида таълим олди. Кейинчалик совет рассомлари москвалик С. В. Герасимов ва И. Э. Грабарь дерсларини тинглади ва улардан кўп нарса ўрганди. Рассомлик санъатининг яхши фазилатларидан бири рангни ҳис қила билишдир. Рассом Елизаров ўзида ана шу ҳисни йил сайин тарбиялаб борди, бу соҳада устозларига эргашди.

Уша вақтлардаёқ Елизаров портрет чизиш билан жуда кўп қизиқди, Бутииттифоқ ва республика бадиий кўргазмаларида эркак ва аёл кишилар портретлари билан қатнашди. Улар орасида «Пахтакор қиз», «Хаворанг кўйлакли қиз», «Оналик» сингари портретлар санъат шинавандалари томонидан юқори баҳоланди.

Мана, Садриддин Айний портрети. Ёзувчи қиёфаси жуда моҳирона чизилган. У ғўё навбатдаги асарининг режаларини тузаётгандай ўйга ботган, кенг пешонаси фикрларга бой.

Елизаровнинг бундан кейинги ишларида ҳам кишининг психологик характеристикаси янада чуқурлаштирилади. Масалан, «Ота портрети» бунга мисол бўлаолади.

1958 йили рассом «Ўзбекистон санъат арбобларининг «Группа портрети»ни яратади. Ана шу катта мураккаб асарда ўзбек ижодий интеллигенцияси энг яхши вакилларининг портретлари чизилганки, уларнинг ҳаммасини ягона композиция бирлаштириб туради. Суратдаги ҳар бир кишининг портрети ўзига хос тўлақонлиги, ички дунёси билан ажралиб туради. Санъаткор бу картинада айрим майда-чуйда нарсаларга эътибор бермай, сурат формасининг тузилиши ҳамда фазовий муносабат қонунларига алоҳида аҳамият берган. Рассомнинг ана шу катта ютуғи ўзбек тасвирий санъатининг ҳам энг яхши асарларидан ҳисобланади.

Юсуп Елизаровнинг бошқа бир асари «Пахтакорлар» картинасида ҳам унинг классик портрет санъатининг энг яхши намуналаридан ўрнак олганлиги сезилиб туради. Республикамиз қирқ йиллик тўйига рассом «Ўзбекистон ССРнинг эълон қилиниши» ва «Механизаторлар» деган асарларини совға қилди. Булар ҳам рассом маҳорати тобора ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда Ю. Елизаров қатор полотнолар устида ишламоқда. У «Ўзбекистон ССРнинг эълон қилиниши» картинаси, «Калининнинг 1924 йилда Самарқандга келиши» ҳамда «Республикам кишилари» умумий номи остидаги портретлар сериясини яратиш билан банд. Бу Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юсуп Елизаровнинг Октябрь революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига атаган муносиб совғалари бўлади.

Т. ОДИЛБЕКОВ.



Ю. Елизаров. «Самарқанд ёдгорликлари» сериясидан этюд.

«Механизаторлар» картинаси битди. Рассом Ю. Елизаров ўз асарини тагин бир марта кўздан кечирмоқда.

ЧОРВАДОРЛАР ХИЗМАТИДА

Янгийўл. Икки бригададан иборат агитмашина чорвадорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун Янгийўл ва Чиноз зонасидаги хўжаликларга жўнаб кетди. Бригада составида лекторлар, зоотехникилар, кутубхона ходимлари, ҳаваскор санъатчилар — ҳаммаси бўлиб 27 киши бор. Улар чорвадорлар ҳузурида беш кун бўлиб, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатадилар. Жумладан, 1965 хўжалик йилининг янгиликлари ва навбатдаги вазифалар ҳақида суҳбатлар ўтказилади.

Қишлоқ хўжалик илғорларининг тажрибасига оид кинофильмлар кўрсатилади, шунингдек, улар оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйиш, деворий газеталар чиқариш, қизил бурчаклар ташкил қилишга қўмаклашадилар.

Магнит плёнкаларига чорвадорларнинг бу йилги мажбуриятлари, режалари, уларнинг қайси санъаткорлар ижросида қандай ашулаларни эшитиш истаги борлиги ёзиб олинади. Навбатдаги агитмашинада эса чорвадорлар талаби билан ёзиб олинган ашулаларнинг магнитофон лентаси олиб борилиб, колхозчиларга қўйиб берилади.

Н. РИҲСИЕВ.

ИНСТИТУТНИНГ КЕЛАЖАГИ

Тошкент халқ хўжалиги институти ҳар йили саноатимиз, қурилиш ва қишлоқ хўжалигимиз учун юзлаб иқтисодчи мутахассисларни етказиб бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми халқ хўжалигимиз учун янада кўпроқ малакали экономист кадрлар кераклигини таъкидлади.

Шуни назарда тутиб, Тошкент халқ хўжалиги институтини кенгайтириш — янги ўқув корпуси, шунингдек, лаборатория ва ҳисоблаш корпусларини қуришга қарор қилинди. Институт биноларининг ҳозирги ҳажми 53 минг 400 кубометр. Олий ўқув юрти территориясида яна қўшимча 95 минг 600 кубометр ҳажмда янги иккита перпендикуляр жойлашган корпус ва бир неча қўшимча корпуслар қурилади. Ҳозирги ва қуриладиган корпуслар бир блокли бўлиб, унда 3750 студент таълим олади. Янги қуриладиган тўрт қаватли кичик корпусда аудиториялар, лабораториялар ва ҳисоблаш маркази жойлашади. Катта корпусда мажлислар зали, ўқув аудиториялари ва кутубхона бўлади. Эски корпусда эса, тўртта факультетнинг иш кабинетлари жойлашади.

Янги бинонинг олди томонларини ва интерьерларини ишлашда лойиҳа авторлари жиддий иш олиб бордилар ва кўзлаган мақсадга эришдилар. Институт асосий биносининг олд томони Олмазор кўчасига қаратилган. Бинонинг конструкцияларини ишлашда лойиҳачилар асосан йиғма темир-бетон буюмларидан фойдаланишни кўзда тутганлар.

Бино деразаларига икки қаватли ойналар ўрнатилади. Деразаларнинг бу хили янги ва оригиналдир. Бинони пардозлашда ҳам янги материаллардан фойдаланилади. Тошкент халқ хўжалиги институти учун қуриладиган янги корпусларни тиклаш учун икки ярим миллион сўмга яқин маблағ сарфланади. Бино лойиҳасини «Узгоспроект» лойиҳалаш институтининг архитекторларидан Е. И. Дурановская, И. М. Полевая ва лойиҳачи инженер-конструктор Е. Б. Патлис ўртоқлар чизганлар.

Қурилиш ишлари яқинда бошланади.

М. СУЛТОНОВ,
инженер-бинокор.

МЕҲРИБОНЛАР

ИНСОН-ИНСОНГА ДУСТ

САБОҲАТ дугонаси билан қувлашиб-чопишиб ўйнаб юрарди. Дугонаси қочди, у қувди. Беҳосдан бўртиб турган тут илдизига қоқилди-ю, юз тубан йиқилди. Бўлмаса ҳар куни шу ерда ўйнашарди, сакрашарди...

Сабоҳатнинг ўрнидан туришга ҳоли келмади. Унг оёғининг тизасидан пасти узилиб кетаётгандек, зирқираб оғрирди. Қизлар қўрқиб кетишди. Сабоҳатнинг иккі ёнига кириб оҳиста ўрнидан турғазишди. Ўнг оёғи ё чиққан, ё синган. Уйига олиб келишди-ю, кроватга ётқизишди. Буни кўрган пенсионер ота билан кекса онанинг эсҳуши учиб кетди. Наҳотки, ҳозиргина соппа-соғ ўйнаб юрган нури-дийдалари...

Врач диагноз қўйди. Оёқ суяги дарз кетибди. Тизанинг кўзи эзган кўчган. Дарҳол касалхонага олиб бориб, оёқни гипсга солиш керак. Йўқса қиз бир умрга ногирон бўлиб қолиши мумкин. Аммо Сабоҳатнинг ўқиши нима бўлади? Ахир у саккизинчи синфга ўтган. Тезроқ ўқишни битириб архитекторлар тайёрлайдиган институтга кирмоқчи-ку!

— Бир йил олдин бўлмаса, бир йил кейин мактабни битирарсиз. Қани, машинага олиб чиқинглар, — деди Сабоҳатни кўрган врач кўз ойнагини халатининг чўнтагига солар экан.

«Тез ёрдам» машинаси жойидан жилди. Шофер рулни 1-шаҳар касалхонасига томон бурди...

ҚИЗ ЯНА ўз уйида. Оёғи гипсда. Ўрнидан туриши мумкин эмас. Очиқ дераза олдига қўйилган кроватида ўтирганича, ташқарига термулаяпти. Куз. Қушлар тол новдаларидан тут шохларига сакраб чуғурлашади. Болалар, қизлар мактабларидан қайтишяпти. Ҳаммаларининг чеҳраларида табассум. Яқиндагина Сабоҳат ҳам шулар қатори ўқишга ўз оёғи билан бориб келарди. Эндичи? Сабоҳат уларга боққанча бир зум хаёлга чўмди. Сўнг юзлари узра марвариддек ёшлар думалаб тушаверди. Ўзини тўхтата олмади. Қўллари билан кўзларини бекитганича унсиз аччиқ-аччиқ йиғлади.

— Ие, нега хафа бўлаяпсан?— эшикдан кириб келган синфдошлари Вазира Алимжонова билан Дилором Убайдуллаева ҳайрон бўлишди. — Е, оёғинг оғриятпими?

— Йўқ, ўзим. Келинглар, — дугоналарини кўриб Сабоҳатнинг чеҳрасига табассум югурди. Кўз ёшларини артди.

Қизлар Сабоҳатнинг ёнига ўтиришди. Мактабда бўлаётган янгиликлар ҳақида яна унга сўзлаб беришди. Уйга берилган вазифаларни кўрсатишди. Кечгача бирга ўтириб дарс тайёрлашди.

Эртаси кун синф раҳбари Жалол Толипов Сабоҳатни кўргани келди. Сўнг воқеани мактаб директори Асқад Бектемировга етказди. Мактабда педагогика совети чақирилди. 52 ўқитувчининг барчаси Сабоҳат тақдири, ўқиши устида бош қотирди. Уни ўқишдан қолдирмаслик, уйига бориб бўлса ҳам дарс беришга қарор қилишди. Мактабдан доска олиб бориб Сабоҳат ётган хонага ўрнатишди. Деворга хариталар осилди.

Уша кундан бошлаб ўқитувчилар синфда ўтган дарсларни Сабоҳат уйида ҳам яна бир бор такрорлайдиган бўлишди. Тил ва адабиёт ўқитувчиси Раъно Салоҳиддинова, тарихчи Муҳаббат Мўминова, математика ўқитувчиси Раиса Раҳимова, география ўқитувчиси Сайфи Ҳикматуллаев ва бошқалар бемор ўқувчи учун алоҳида вақт ажратишди. Программа бўйича темалар ўтишди, ўтганларни қиздан сўрашди, баҳо қўйишди.

Аълочи ўқувчилардан Дилбар Ҳасанова ва Муҳиддин Эргашев Сабоҳатга бириктириб қўйилди. Улар ўз синфдошларини бир дақиқа бўлсада ёлғиз қолдиришмади. Деворий газетанинг навбатдаги сонида нималар чиқди, мактаб радиоузелидан кимлар гапирди, комсомол мажлисида қандай масалалар кўрилди — ҳамма-ҳаммасидан Сабоҳатни хабардор қилиб туришди. Сабоҳат мактаб ҳовлисида юргандек, синфдошлар даврасида чақ-чақлашаётгандек ҳис этарди ўзини шунда.

КУНЛАР, ҳафталар ўтаверди. Дўстлар дийдори, меҳри Сабоҳат дардига шифо бераверди. Коллектив бемор қизнинг кўнглини чўктирмасликка тиришди. Кўплашиб байрам кунлари совға-саломлар билан келиб, уни кўриб кетишди, келолмаганлар табрик телеграммалари юборишди.

Мана, ҳозир Сабоҳат анча соғайиб қолган. Урнидан туради, ҳассага таянниб бироз юради. Ўқишлари ҳам бошқаларникидан яхши бўлса яхшики, ёмон эмас. Чоракларни аъло баҳолар билан якунлади. Фақат жамоатчилик ишларида қатнашолмаяпти. Шунга қуйинаяпти у. Ҳечқиси йўқ, врачлар ҳозир қиз оёғини иккинчи операцияга тайёрламоқдалар. Бу операция ҳам муваффақиятли ўтгач, Сабоҳат бутунлай соғайиб кетади. Яна ўйнайди, сакрайди, елиб-югураверади.

Сабоҳат Илҳомжонова Октябрь районидаги 185-мактабда таълим олаётган минглаб ўқувчининг биттаси. Биргина у эмас, ҳамма болалар мактаб учун Сабоҳатдек азиз ва қимматли. Ҳар бир ўқувчининг ўз ўрни бор синфида. Ўқишга келмай қолса дарров йўқлиги билинади. Синфдошлар, ўқитувчилар уни йўқлашади, ҳолидан хабар олишади. Бундай меҳрибонлик болаларнинг мурғак қалбини иситмоқда, уларда одамгарчилик ҳиссини уйғотмоқда, ўзаро оқибатли бўлишга ундамоқда.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
Ж. НОСИРОВ.

Она-Ватан бўйлаб



НУРЕК ГЭСи қурилишида сувни бошқа томонга буриб юборадиган тоннель иншоотини қуриш тугалланмоқда. Бу тоннель Вахш дарёси тўсилганидан сўнг унинг янги тармоғи бўлади. Тез орада қудратли шатакчи машиналар қурилишга тоннелнинг кириш портали учун кўп тоннали арматура олиб келадилар. Душанба шаҳридаги темир-бетон конструкциялари заводида металл конструкциялар тайёрлаш тугалланаяпти.

Суратда: тоннель учун арматуралар монтаж қилиш пайти.

Н. Темнов фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

• • •



ЧИМКЕНТ ОБЛАСТИ. Жанубий Қозоғистоннинг бўмбўш ётган ерларида яқин вақт ичида ям-яшил водий бунёдга келтирилади. Бу ерда қурилган олти километр узунликдаги тўғон Сирдарёни тўсди. Эндиликда унинг суви жуда катта Чордарё сув омборини ҳосил қилди. Келажакда бу ерда 200 минг гектардан ортиқ ер суғорилади, 4 миллион гектар яйлов ерларига сув чиқарилади. 400 минг гектардан ортиқ ер ўзлаштирилади. Округда ўнлаб шолиқорлик, боғ-узумчилик ва қўйчилик совхозлари жойлашади. Чордарё ГЭСи эса водига электр қуввати етказиб берадиган бўлади. Ҳозирда унинг икки турбинаси ишга тушиш учун тайёрлаб қўйилган. Сиз суратда Чордарё гидроузелини ва олти километрли тўғоннинг бир қисмини кўриб турибсиз.

А. Идрисов фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ХАЛҚАРО МИҚЁСДА МУҲИМ ИШ

ДЕҲЛИ

8 январь. ТАСС мухбири В. Никитин хабар беради:

Тошкентда янгиликлар борми? — Ҳозирги вақтда Ҳиндистон кишилари бир-бирлари билан учрашиб сўзлашганларида одатда худди шу савол билан гап бошлайдилар. Матбуотнинг барча органлари, қандай сиёсий маслакда бўлишларидан қатъий назар, Тошкентдан олинган материалларни биринчи саҳифаларда кўзга яққол ташланадиган ўринларда босиб чиқармоқдалар. Умумҳиндистон радиосининг сўнгги ахбороти Тошкентдан олинган хабарларни эшиттириш билан бошланади. Тошкент ҳаммаларнинг диққат марказида турибди.

Ҳиндистон жамоатчилиги Совет Иттифоқининг холис хизмат қилишни илгари сурган ва Тошкентдаги учрашув учун имконият яратиб берган таклифига ҳамда Совет ҳукуматининг бу учрашувни муваффақиятли ўтказишга қаратилган қатъий ҳаракатларига юксак баҳо бермоқда. Ҳиндистондагилар Тошкентдаги учрашувга катта умид боғламоқдалар.

Ҳафталик «Линк» журнали ёзади: «Уруш қилиш ўрнига ҳал этилмаган барча проблемаларни муҳокама қилишга розилик билдириш мамлакатдаги аҳволни тубдан ўзгартириб юборади ва бутун Ҳиндистон ярим оролининг ҳамкорлиги асосида экономикани тараққий эттириш учун одам кучлари ва ресурсларни бўшатиб беради. Тошкентда қўлга киритиладиган муваффақият умумий тинчликни мустаҳкамлаш йўлида зўр ғайрат билан қилинаётган ишларнинг муҳим бир қисми бўлиши мумкин».

Сиёсий арбоблар ва дин арбоблари, олимлар, ёзувчилар, оддий ҳиндлар — буларнинг ҳаммаси Тошкент учрашувининг муваффақиятли тугалланишини якдиллик билан истайдилар. Парламент аъзоси, Умумҳиндистон мусулмонлар иттифоқининг президенти Муҳаммад Исмоил матбуот вакилларига бундай деди: «Ҳиндистон ярим оролининг бахт-саодати учунгина эмас, балки бутун дунё учун ҳам мустаҳкам тинчлик ўрнатиш зарур».

ПРАГА

8 январь. (ТАСС). Чехословакияда чиқадиган «Млада фронта» газетаси бугунги сонида қуйидагиларни ёзади: Тошкент учрашуви халқаро муносабатлар тарихига Совет Иттифоқининг низоли масалаларни тинч ҳал этиш йўлида зўр бериб қилаётган ишларини кўрсатувчи порлоқ намуна бўлиб ёзилиб қолади.

Газета Совет ҳукуматининг ташаббуси туфайли Тошкетдаги музокаралар ғоят дўстона ва тинчликсеварлик руҳида ўтмоқда, бу эса Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига катта умид туғдиради.

Тошкент музокаралари Чехословакиядаги барча газеталарнинг саҳифаларида, шунингдек радио ва телевидени эшиттиришларида асосий ўринни олади. Матбуот Тошкент учрашувининг ғоят муҳим эканлигини таъкидлайди ва бу учрашув Ҳиндистон билан Покистонга тинчлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини бағишлайди, деб умид билдиради.

ЖЕНЕВА

8 январь. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Шастри ва Покистон президенти Аюбхон ўртасида олиб борилаётган музокаралар Швейцария матбуотининг диққат марказида турибди. Газеталар музокаралар тўғрисида Тошкентдан олинган кўп хабарларни босиб чиқариб, айни вақтда учрашувнинг ташаббускори бўлган Совет ҳукумати халқаро миқёсда муҳим ишни амалга оширди, деб таъкидламоқдалар. «СССР, — деб ёзади «Трибюн де Женев» газетаси, — Тошкентда тинчликни сақлаш учун халқаро жавобгарлик руҳи билан суғорилган давлат сифатида ҳаракат қилмоқда», «Газетт де Лозанн» газетаси «20 йилдан буён давом этиб келаётган конфликтни бир неча кун ичида ҳал этиш мумкин эмаслигини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади: лекин шунга қарамай, Тошкентдаги учрашув бир қанча конкрет ижобий натижалар бериши ва Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга кўмаклашуви мумкин.

АМЕРИКА УЧУВЧИСИНИНГ «ХАТОСИ»

ПАРИЖ, 8 январь. (ТАСС). Америка самолёти бугун Биньзионг вилоятида «билмасдан» бомба ташлаб, Жанубий Вьетнам граждан кемасини ботирган. Франс Пресс агентлигининг мухбири шу тўғрида Сайгондан хабар беради.

ИТАЛИЯ КОМПАРТИЯСИ РАҲБАРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

РИМ, 8 январь. (ТАСС). Италия Коммунистик партияси раҳбарлигининг бугун «Унита» газетасида босилган ахборотида бундай дейилади: Италия Коммунистик партиясининг XI съезди 25 январда Римдаги конгресслар саройида очилади ва ўз ишини 31 январда тамомлайди.

Съезднинг кун тартиби:

1. Тинчлик учун, итальянча йўл билан социализм сари олга бориш, янги демократик кўпчилик, ишчилар ва социалистик кучлар бирлиги учун (докладчи Италия Коммунистик партиясининг бош секретари Луиджи Лонго;

2. Партиянинг уставига ўзгартишлар киритиш;

3. Партиянинг раҳбар ва контрол органларини сайлаш.

ВАТАНПАРВАРЛАР ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 8 январь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ватанпарварлари бугун Сайгондан 14 километр жанубда душманнинг уч аванпостидаги қўғирчоқ қўшинлар гарнизонини суриб чиқариб, уларни ишгол қилдилар. Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг Сайгон мухбири қўғирчоқ армия ванкилининг сўзларига асосланиб шу тўғрида хабар беради.

ДЕ ГОЛЛЬ ФРАНЦИЯНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ПАРИЖ, 8 январь. (ТАСС). Бугун туш чайтида де Голль иккинчи муддатга Франция Республикасининг президенти деб эълон қилинди. Де Голлнинг яна 7 йил муддат билан президент лавозимига ўтиши Париждаги Елисей саройида тантанали маросим билан нишонланди.

Традицияга мувофиқ, бош министр Помпиду шу кунлиқ ўз ҳукуматининг истеъфо берганлигини янги президентга маълум қилди. Де Голль унинг истеъфосини қабул қилди ва янги кабинет тузишни яна Помпидуга топширди.

Високовольтная массиви тобора ўзаллашиб ва ободонлашиб бораяпти. Кўп қаватли турар-жой бинолари фойдаланишга топширилаяпти, кўчалар текисланяпти, гулзорлар барпо этиляпти. Суратда: массивнинг марказий кўчасига асфальт ётқизилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ХАНОЙДА МИТИНГ

ХАНОЙ, 10 январь. (ТАСС). Кеча Ханойда Вьетнам Демократик Республикаси миллат мажлиси биносида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Н. Шелепин бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси шарафига тантанали митинг бўлди.

Митингда Вьетнам Демократик Республикасининг бош министри Фам Ван Донг, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан ва Вьетнам Демократик Республикасининг кўзга кўринган бошқа раҳбарлари, пойтахт жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари ҳозир бўлишди.

Митингдагилар Совет делегацияси аъзоларини қизғин кутиб олдилар. Ханой шаҳрининг мэри Чан Зуй Хинг уларни табриклаб бундай деди:

— Вьетнам халқи Совет халқига жуда самимий ва энг чуқур меҳр-муҳаббат кўзи билан қараб келмоқда.

Чан Зуй Хинг коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш ишига ва империализмга қарши, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш учун олиб борилаётган курашда Совет халқига янги ғалабалар тилади. сўнгра А. Н. Шелепин нутқ сўзлади. Унинг нутқи гулдурос қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, деди у, қардош Вьетнамга делегация юбориб, шу тариқа Совет халқининг Вьетнам халқи билан бирдамлигини, Америка агрессиясини даф қилишда Вьетнам Демократик Республикасига бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга Совет халқи маҳкам бел боғлаганлигини яна бир марта намойиш қилмоқдалар.

Америка империалистларнинг қонли агрессияси, деди сўнгра А. Н. Шелепин, Америка империалистларининг энг ваҳшиёна ва оғир жиноятларидан биридир Агрессорлар ҳар қанча кучсалар ҳам Вьетнам халқини тиз чўкишга мажбур қила олмайдилар. Вьетнамдаги уруш АҚШ империалистларига ҳарбий ғалаба келтирмайди, балки уларнинг сиёсий жиҳатдан яккаланиб қолишини тағин ҳам кўпроқ кучайтира беради. А. Н. Шелепин айтдики, Вьетнамдаги аҳволни бартараф қилиш тўғрисида Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг 1965 йил 8 апрелда ва Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг 1965 йил 22 мартда қўйган ҳаққоний талабларини Совет ҳукумати ва бутун Совет халқи қўллаб-қувватлади ва қўллаб-қувватламоқда.

А. Н. Шелепин Ханой марига москваликлар номидан қаҳрамон шаҳар Москванинг Қизил Байроғини тортиқ қилди.

ДИРКСЕННИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 8 январь. (ТАСС). Сенатда озчиликни ташкил этган республикачиларнинг раҳбари сенатор Дирксен кеча матбуот конференциясида нутқ сўзлаб, «Вьетконг қуролини ташламагунча «Қўшма штатлар Вьетнамда тўла ғалаба қозонгунча урушни давом эттирсин, деб талаб қилди. У, урушни кучайтириш йўлидаги биринчи қадам сифатида Шимолий Вьетнамдаги «Хайфон» портини «Қамал қилиш»ни талаб этди.

Ғарбий Германия суди Гамбург демократ журналисти Пауль Беуни уч йилга сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилди ҳамда икки йиллик турма жазосига ҳукм қилди. Тинчликни ҳимоя қилиб келган ва немис меҳнаткашларининг ҳаётий фаолиятини қўллаб-қувватлагани учун унга Германия Компартияси ман қилинганлиги ҳақидаги қонунни бузишда айбланди. П. Беуни оғир касаллигига қарамай суд процесси бошлангунича салкам бир йил қамоқда сақладилар.

АДН—ТАСС фотоси.

СПОРТ КАЛЕНДАРИ

Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Ўзбекистон Советининг президиуми 1966 йилнинг спорт мусобақалари календарини тасдиқлади. Бу календарда аввалги йиллардагидек физкультура коллективлари ўртасидаги, ёшлар, қишлоқ ва студент спорти мусобақаларига асосий эътибор берилди.

Бу йил 78 та республика мусобақалари ўтказилиб, уларда 15 мингдан ортиқ спортчи қатнашади. Ўзбекистон XIII спартакиадаси ва ёшлар ўртасида мактаб ўқувчиларининг XIX республика спартакиадаси календардаги энг йирик тадбирлардан биридир. Бу иккала мусобақа бир вақтнинг ўзида ўтказилиши билан аввалги йиллардагидан фарқ қилади. Областнинг умумкоманда ҳисобига катталар ва мактаб ўқувчилари терма командаларининг натижалари киритилади.

Бу спартакиадаларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар икки группага бўлиниб ҳамма область марказлари, Нукус ва Навоий шаҳарларида бўлиб ўтади. 3 июлда ҳамма жойда спартакиада байроғи тантанали равишда кўтарилади. Унинг ёпилиши эса 8 июлда Тошкент шаҳрида бўлади. Спартакиаданинг финал қисмида беш мингдан ортиқ спортчи қатнашадики, бу мусобақаларнинг кенг миқёсдан далолат беради.

Календарда ўсмирлар учун кўпгина мусобақалар ўтказиш мўлжалланади. Қишлоқ спортчилари ҳаётида эса Ўзбекистон VIII спартакиадаси катта воқеа бўлиб қолади. Спортнинг тўққиз тури — классик ва эркин кураш, волейбол, велоспорт, енгил атлетика, от спорти, оғир атлетика, шахмат ва шашка бўйича мусобақалашиб голиб чиққан энг яхши йигит-қизлар терма команда составига киритилиб. Бутуниттифоқ қишлоқ спортчилари III спартакиадасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладилар. Бу тадбирларнинг ҳаммаси келаси йил СССР халқлари IV спартакиадасида қатнашадиган қобилиятли ёшларни танлаб олиш ва уларни жиддий синовларга тайёрлашда катта аҳамиятлидир.

Умуман бу йил бизнинг спортчиларимиз 80 га яқин Бутуниттифоқ мусобақаларида спортнинг 26 тури бўйича қатнашадилар.

Тошкент шаҳрида спорт ҳаваскорлари бир қатор қизиқарли мусобақаларнинг гувоҳи бўладилар. Жумладан октябрь ойида пойтахтимизда учта йирик тадбир ўтказиш мўлжалланган. 5—9 октябрда велосипед спорти бўйича треклда СССР кубоги мусобақаси ўтказилади. 6—23 октябрда эса биз теннис бўйича СССР шахсий-команда биринчилиги «жангларини» кузатамиз. 24—31 октябрда мамлакатнинг энг кучли гимнастикачилари Тошкентга келиб СССР шахсий-команда биринчилигида беллашадилар.

Спортнинг бир қатор турлари бўйича республикамиз пойтахтида халқаро мусобақалар ҳам ўтказилади, қатор командаларимиз эса чет эл сафарида бўладилар.

1966 йил календари Ўзбекистон спортчилари маҳоратини янада оширишга хизмат қилади.

П. КОНОВАЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 11 ЯНВАРЬ 1966 ИИЛ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Узбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Концерт** (Оржоникидзе районидаги 34-мактаб бадиий ҳаваскорлари ижросида), 18.50 — **Жаҳон ҳафта ичида**, 19.10— **Маҳмуд Эсонбоев рақслари**, 20.10 — **Юздаги чандиқ** (телетеатр).

20.45 — **Эшиттиришлар программаси**.

Рус тилида: 20.50 — **Телевизион янгиликлар**, 21.05 — **Чорвоқ кундалиги** (телеочерк), 21.20 — **Реклама ва эълонлар**, 21.25 — **Шоқ келини** (фильм-опера).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Мўъжизакор химия** (кичик ёшдаги мактаб ўқувчилар учун), 18.40 — **Яшилни кўраман** (илмий-оммабоп фильм), 19.00—**Ер ва одамлар** (бадиий фильм).

Узбек тилида: 20.40 — **Замондош** (телеочерк).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/I да **Ўғирланган умр**, 12/I да **Котил**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 12/I да **«Юность» цирк коллективи ва «Арслонлар» аттракциони**.

КИНО

Фавкулодда топшириқ — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Афина атрофида — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Шимол гули — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

«Аврора» залпи — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9.15 минутда).

Пахтаой — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 яримда).

Хайр, наптарлар! — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Кибальчиш бола ҳақида эртак — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

ТОШКЕНТ ПОЧТА ТАШИШ БЎЛИМИ

8, 9, 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган ёшларни **почта жўнатмаларини сортировка қилувчилар, почта вагони бошлиғининг ёрдамчилари, почта вагони бошлиқларини тайёрлайдиган**

КУРСГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Почта ташиш бўлимига: **механиклар, упаковначилар, почта вагонлари учун электромонтёр-проводниклар, юкчилар ҳам керак.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Вокзал майдони, почта ташиш бўлими, Телефон 2-81-16.

Тошкент область ижроия комитети коллективи ташкилий — инструкторлик бўлимининг мудири ўртоқ Соат Еқубович Зокировга оиласи

Умри ЗОКИРОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши — 25811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг басмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 07518. ИНДЕКС 64969 Г — 1028.